



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

“ 06 ” May 20 21 y

Yaypan shahri 334 sonli

«Умидбек» фермер хўжалигига тегишли ер майдонидан наъмунали дала шийпони ҳамда иссиқхона қурилиши учун ер майдони танлаш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-6-моддаларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 25.02.2013 йилдаги 54-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-10-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер майдони танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи Ўзбекистон туман комиссиясининг «Умидбек» фермер хўжалигига тегишли “Ғ.Ғулом” ММТП худуди кишлоқ хўжалиги харитасининг 54к-сонли дала контурдаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан наъмунали дала шийпони ҳамда иссиқхона қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида 2021 йил 6 апрель кунги далолатномаси тасдиқлансин.

2. «Умидбек» фермер хўжалигига ўзига тегишли “Ғ.Ғулом” ММТП худудидаги 54к-сонли дала контурдаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,22 гектар ер майдонига наъмунали дала шийпони ҳамда иссиқхона қурилишига руҳсат берилсин.

3. Ушбу қарор тасдиқлангандан сўнг қурилиш-монтаж ишларини лойиҳалаштириш учун лойиҳа олди ҳужжатларини (муҳандислик тармоқларига уланиш учун техник шартлар йиғиш, “Архитектура-режалаштириш топшириқлари”) олиш, қурилиш ишларини архитектура-қурилиш меъёрлари ва талабларига биноан тасдиқланган лойиҳа, экспертиза ва ДАКН руҳсатномаси асосида олиб бориш «Умидбек» фермер хўжалиги раҳбари Х.Турсунов зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонидан 2 (икки) йил муддатда белгиланган мақсадда фойдаланишни бошламас ва ушбу қарор бекор қилиниши «Умидбек»га раҳбари Х.Турсуновга эслатиб ўтилсин.

5. Мазкур қарор тасдиғи Халқ депутатлари Ўзбекистон туман кенгашидан сўралсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев

Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг «Умидбек» фермер хўжалигининг “Ғ.Ғулом” ММТП худуди қишлоқ хўжалиги харитасининг 54қ-контурдаги 0,22 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонини «наъмунали дала шийпони ҳамда иссиқхона» қурилишига танлаш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

12.04.2021 йил

Яйпан шаҳри

Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг раиси:

Ш.Исмоилов - туман хокимининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

А.Ражабов- кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи
О.Вахобов- туман бош меъмори
Ғ.Хамракулов- Экология атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман инспекцияси бошлиғи
А.Сулаймонов- туман санэпидстанция бош врач
Ж.Мелиев - туман электр тармоқлари идораси бошлиғи
Д.Рахмонов - туман ФВБ бошлиғи
Э.Рахимов - “Водийгазтаъминот” УК туман филиали директори
М.Мирзарахимов- туман ичимлик суви таъминоти Давлат корхонаси раҳбари
Х.Турсунов- Умидбек фермер хўжалиги раҳбари

“Умидбек” фермер хўжалиги раҳбари Х.Турсуновнинг туман хокимлигида қайд этилган аризасида фермер хўжалиги балансидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ердан «наъмунали типдаги дала шийпони ҳамда иссиқхона» қурилиши учун ер майдони ажратиб берилишини сўраганлигини эътиборга олиб аризани ўрганиб чиқдик.

Ўрганиш давомида Шу куни “Умидбек” фермер хўжалиги раҳбари Х.Турсунов томонидан «Наъмунали типдаги дала шийпони ҳамда иссиқхона» қурилиши учун сўралган ер майдони “Умидбек” фермер хўжалигига қарашли 54қ-контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан иборат эканлиги, суралган жой архитектура, санитария-гигиена ва ёнгинни олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш талабларига тулик мос келишлигини аниқладик.

Юкоридагиларни инобатга олиб “Умидбек” фермер хўжалигига карашли 54к-контурдаги кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан «Наъмунали типдаги дала шийпони ҳамда иссиқхона» қурилишини лойиҳалаш ва қуриш учун жами 0,22 (йигирма икки) гектар ер майдони танлаш ишларини бажардик. “Умидбек” фермер хўжалигига карашли 54к-контурда кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан «Наъмунали типдаги дала шийпони ҳамда иссиқхона» қурилишини лойиҳалаш ва қуриш учун танланган жами 0,22 (йигирма икки) гектар ер майдони чегаралари:

Жанубдан– йул

Шарқдан, Гарбдан ва шимолдан – “Умидбек” фермер хўжалиги ерлари

Танланган ер майдони рельефи текислик булиб, зил-зила бардошлилиги 8-9 балл.

Мухандислик тармоқларига тегишли ташкилотларнинг техник шарт ва ҳулосаларига асосан уланади.

Далолатномага ажратилаётган ер майдонининг 1:10000 нисбатли харитадан кучирмаси илова қилинади.

Комиссия раиси:

Ш.Исмоилов

Комиссия раиси ўринбосари:

А.Ражабов

Комиссия аъзолари:

Ө.Вахобов

М.Бахритдинов

Ғ.Хамракулов

А.Сулаймонов

Ж.Мелиев

Д.Рахмонов

Э.Рахимов

М.Мирзарахимов

Х.Турсунов